

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Рўйхатга олинди
№ МО 10-173
2020 йил**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирининг
2020 йил “7” декабрь даги
648 - сонли буйруғи билан
тасдиқланган.**

“Ипакчилик ва тутчилик”

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

Тошкент – 2020

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириши курсининг ўқув Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишилари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини
Мувофиқлаштирувчи кенгашининг
2020 йил 30-октябрдаги 6-сонли баённомаси билан маъқулланган.*

- Тузувчилар:**
- “Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”
модули: ю.ф.н., проф. В.Топилдиев, т.ф.н., доц. Б.Ш.Усмонов,
т.ф.н., доц. Р.А.Хабибулаев
- “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”
модули: и.ф.д., проф. Р.Нуримбетов, и.ф.д., проф. Ф.Назарова,
п.ф.н., доц. М.Декканова
- “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”
модули: п.ф.д., проф. Н.Муслимов, катта ўқитувчи
Р.Ишмухамедов
- “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий
этиш” модули: п.ф.д., проф. Ф.Закирова, ф.-м.ф.н., доц.
В.Каримова.
- “Маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модули:
катта ўқитувчилар Ф.Бойсариева, Н.Джабборова, С.Таджибаева,
У.Гиясова, Ш.Файзуллаева
- “Мутахассислик фанлари” модули: қ.х.ф.д., проф.
Ш.Р.Умаров, қ.х.ф.н., доц. Ч.И.Беккамов, қ.х.ф.д., доц.
У.Данияров.
- Тақризчилар:**
- Хорижий эксперт: **С.Салимджанов** - Тажикистон
Республикаси иженерлик фанлари академияси профессори.
Ў.Р.Соатов - ТДАУ “Умумий зоотехния” кафедраси мудири,
профессор.,қ.х.ф.д.

Ўқув дастури Тошкент давлат аграр университети Кенгашининг қарори билан тасдиққа
тавсия қилинган (2020 йил _____ даги_____ - сонли баённома).

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илгор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмuni, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишининг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

I. Педагогнинг профессионал фаолиятидаги инновациялар

- 1.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.
- 1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.

1.3. Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш.

II. Педагогнинг ахборот ва коммуникатив компетентлигини ривожлантириш

2.1. Таълим жараёнига рақамили технологияларни жорий этиш.

2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.

III. Мутахассислик фанлари

3.1. Замонавий интенсив тутзорлар барпо этиш ва сифатли тут барги этиштириш.

3.2. Тут ипак қурти парваришлишда инновацион технологиялар.

3.3. Тут ипак қурти уруғи тайёрлашнинг инновацион усуллари.

IV. Малакавий аттестация

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг вазифаларига қўйидагилар киради:

- “Ипакчилик ва тутчилик” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

-педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

-мутахассислик фанларини ўқитиши жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

-махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Ипакчилик ва тутчилик” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Таълим жараёнига рақамили технологияларни жорий этиш”, “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Мутахассислик фанлари бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- соҳага доир қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини;
- тут ипак қурти зоологик систематикаси, ривожланиш даврлари ва морфо-физиологиясини;
- ривожланган мамлакатларда ипак қурти уруғларини тайёрлаш, наслли куртларни боқиши хусусиятлари ва инновацион технологияларини;
- наслли пиллаларни саралаш, жинсларга ажратиш ва капалакларни белгиланган муддатларда чатиштириш усулларини ипак қурти уруғларининг сифатига таъсирини;
- оддий ва мураккаб дурагайларни етиштиришнинг замонавий технологияларини;
- уруғ тайёрлашда замонавий технологиялар, соф зот ва дурагай уруғлар тайёрлаш технологияларини;
- тут ипак қурти уруғларини тайёрлашда янги зот ва дурагайларнинг аҳамиятини ва тут ипак қурти дурагай уруғларини мавсумий тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятларини;
- . наслчилик станцияларида суперэлита ва элита уруғларини тайёрлаш технологиясини;
- тут ипак қуртини турли гуруҳдаги зот ва дурагайларини биологик таснифи, морфологик-анатомик тузилиши ва улар танасида кечадиган физиологик жараёнларни;
- ипак қуртини озуклантиришни;
- ипак қуртига ташқи муҳитнинг таъсирини **билиши керак**.

Тингловчи:

- соҳага доир мавзуларни ўқитишида илғор педагогик технологияларни қўллаш;
- маҳсус қуртхоналар, мавсумий қурт боқиши учун қуртхоналарни тайёрлаш;
- тут ипак қуртини ёшлари бўйича боқишининг инновацион усуллари: пилла ўраш даврида ипак қуртларини парваришлиш, даста тайёрлаш ва қўйиш;
- етилган пиллаларни териш ва тозалашда янги дастгоҳлардан фойдаланиш, ичик ёшдаги ипак қуртларини боқиши ва сийраклаштириш, катта ёшдаги ипак қуртларини парваришлиш ва ғаналаш;
- наслчилик хўжаликларида наслли зот уруғларини жонлантириш, наслли қуртларни боқиши;
- уруғчилик корхоналарида иш фаолиятини технологик режалаштириш ва календарь графигини тузиш ва мавсумий уруғ тайёрлаш жараёни ва технологиясини ўтказишида тармоқ календарь режасидан фойдаланиш;
- мавсумий қурт боқиши учун мўлжалланган маҳаллий ва хорижий ипак қурти уруғларини тайёрлаш технологиясини таҳлил қилиш;

- янги яратилган ва истиқболдаги зот ва дурагайларни яратища навларга ажратиш каби **қўникмаларига эга бўлиши лозим**

Тингловчи:

- наслли пиллаларни наслдорлик хусусиятларини баҳолаш;
- ипак қуртларини касалликларга қарши текширувдан ўтказиш;
- капалакларни изоляция қилиш;
- уруғ сифатини аниқлаш
- тутчиликда селекция ва генетика ишларини ташкил этиш;
- интенсив тутзорлар ташкил этиш ва парваришлиш, ундан фойдаланиш;
- тутзорларни парвариш қилиш ва такрорий қурт боқиши учун баргдан фойдаланиш;
- тутнинг хўжалик белгиларини аниқлаш ва оналик тутзорларда этиширилган тут уругларини экиш ва агротехник ишлов бериш;
- тут ниҳоллари ва тут кўчатларини экиш, парваришлиш ва улардан фойдаланиш;
- мавжуд тутзорлар ва якка тартибдаги тутлардан фойдаланиш, такрорий қурт боқиши учун тут навларини танлаш ва уларнинг баргларидан фойдаланиш бўйича **малакаларига эга бўлиши зарур.**

Тингловчи:

- интенсив тутзорлар ташкил этиш ва парваришлиш, тутзорларни парвариш қилиш ва такрорий қурт боқиши учун баргдан фойдаланиш;
- тут ипак қуртини ёшлари бўйича боқиши ва пилла ўраш даврида ипак қуртларини парваришлиш,
- даста тайёрлаш ва қўйиш, етилган пиллаларни териш ва тозалашда янги дастгоҳлардан фойдаланиш:
 - кичик ёшдаги ипак қуртларини боқиши ва сийраклаштириш, ҳамда, катта ёшдаги ипак қуртларини парваришлиш ва ғаналаш;
 - наслчилик станцияларида суперэлита ва элита уруғларини тайёрлаш;
 - наслчилик хўжаликларида наслли зот уруғларини жонлантириш;
 - уруғчилик корхоналарида иш фаолиятини технологик режалаштириш ва календарь графигини тузиш;
- мавсумий уруғ тайёрлаш жараёни ва технологиясини ўтказища тармоқ календарь режасидан фойдаланиш **бўйича компетенцияларига эга бўлиши лозим.**

Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўқув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажралмаган ҳолда мустақил малака ошириш усуллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффакиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил

12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака атtestати берилади.

“ИПАКЧИЛИК ВА ТУТЧИЛИК” ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

I. ПЕДАГОГНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ФАОЛИЯТИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР

1.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.

Хорижий давлатлардаги кредит таълим тизимлари: Америка Қўшма Штатлари кредит тизими (USCS), Кредитларнинг тўплаш ва ўтказишнинг Британия тизим (CATS), Европа кредит тизими (ECTS), Университет кредитларини ўтказишнинг Осиё - тинч океани тизими (UCTS). Кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари. Кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишини режалаштириш ва ташкил қилиш. Кредит-модуль тизимида педагоглар фаолияти. Кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услугбий таъминоти. Силлабус. Таълим натижалари (Блум таксономияси асосида). Билим даражалари. Таълим натижаларини баҳолаш усуллари.

Таълим соҳасини бошқаришнинг хукуқий асослари. Таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг хукуқий ва маънавий-маърифий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимида оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимида тегишли норматив-хукуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-хукуқий ҳужжатлари. Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари.

1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ҳамда “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонунлари мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикасида илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг мақсади, вазифаси ва унинг методологик асослари. Илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш ва инновацион

фаолиятнинг ҳуқуқий асослари. Илмий ишланмалар ва тижоратлаштириш объектлари. Инновацион ишланмалар, давлат илмий-техник дастурлари, лойиҳалари, стартап-лоиҳаларни расмийлаштириш. Олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришнинг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш.

Замонавий университетларда технологиялар ва лойиҳа бошқаруви. Фан, ихтирочилик ва технологиялар трансферини ривожлантириш ва инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш.

Инфратузилма ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш. Таълим тизимини такомиллаштириш ва инсон капиталини ривожлантириш. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш. Профессор-ўқитувчиларнинг тадқиқотчи сифатида нашр фаоллигини ривожлантириш. Халқаро илмий-техник маълумотлар базалари ва уларнинг тавсифлари. Илмий мақолаларга қўйилган талаблар, мақолани тайёрлаш, чоп эттириш тартиблари. Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Web of Sience тизимлари асосида такомиллаштириш.

1.3. Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш.

Профессионал ўқитувчи шахси. Педагогнинг компетентлиги ва креативлиги. Педагогнинг касбий профессионаллиги ва уни инновацион фаолиятда намоён бўлиши. Касбий-педагогик тайёргарлик жараёнида таянч (soft skills), махсус (hard skills) компетенциялар мазмуни. Модулли-компетентли, интегратив, инновацион-креатив ёндашувлар. Таълим жараёнини лойиҳалаш ва моделлаштириш педагогнинг касбий профессионал ижодкорлигини ривожлантириш омили.

Ўқув машғулотларининг замонавий турларини (войиҳа, аралаш таълим, виртуал лаборатория, дебат) ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. Талабаларда танқидий, ўзини-ўзи (мотивацион, интеллектуал, амалий-фаолиятли, фаол коммуникация ва жамоавий иш) ривожлантириш ва креатив фикрлашни шакллантириш усуллари (дизайн-фикрлаш, скампер ва х.қ.). Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг замонавий шакллари.

Steam-таълим (Science – аниқ фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – ижодий санъат, Mathematics – математика) ва STREM-таълим (фан, технологиялар, робот техникиси, инженерия ва математика) хусусиятлари.

II. ПЕДАГОГНИНГ АХБОРОТ ВА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.

Рақамли технологиялар ва уларнинг дидактик имкониятлари. Таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш. «Электрон университет» ва унинг хусусиятлари.

Вебинар, онлайн маъруза, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга жорий этиш. Масофавий таълим платформалари ва улардан фойдаланиб, таълим жараёнларини ташкил этиш.

Таълим жараёнларида «булутли технологиялар»дан фойдаланиш. Булутли технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Мультимедиали интерактив ўқув-услубий қўлланмаларни ва электрон таълим ресурсларини яратиш, улардан таълим тизимида фойдаланиш. QR-код ва ундан фойдаланиш.

Педагогик фаолиятда интерактив инфографика воситаларидан фойдаланиш.

2.2. Maxsus maқсадларга йўналтирилган инглиз тили.

Maxsus maқсадларга йўналтирилган инглиз тили (English for Specific Purposes) – касб соҳасидан келиб чиқиб инглиз тилини ўргатиш. Касб соҳа вакиллари томонидан минимал грамматика (Present Indefinite Tense, Present Continuous Tense, Past Indefinite Tense, Future Indefinite Tense) ҳамда соҳага оид фаол сўзларни (минимал 400) ёддан билиши. Грамматика ва лексикани коммуникатив мақсадларда ўргатишга замонавий ёндашув. Инглиз тилида аутентик вазиятларни таҳлил қилиш. Тингловчиларда аутентик вазиятларга оид: e-mail ёзиш, сўзлашиш (илмий йўналиши ҳақида), тушуниш (жараённи тинглаб тушуниш) ва ўқиб тушуниш (газета ва журналлардаги касб соҳасига оид мақолани ўқиш) кўникмаларини ривожлантириш.

Соҳага йўналтирилган мавзуларда тил кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитишни лойиҳалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий матнларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар: Шахс ва шахсият. Озиқовқат. Сиҳат-саломатлик. Оилавий қадриятлар. Шаҳар ва қишлоқ ҳаёти. Дам олиш ва спорт билан шуғулланиш. Касб-хунар ва ишбилармонлик. Оммавий ахборот. Муносабатлар. Тиббиёт, илм-фан, замонавий технологиялар соҳасидаги этика масалалари.

Резюме тўлдириш, маданий ҳордиқ, телефонда сухбат. Саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, бизнес фаолият, кашфиётлар, санъат, фан, таълим ва технология соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Соҳага оид даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

III. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИ

3.1. Замонавий интенсив тутзорлар барпо этиш ва сифатли тут барги этиштириши.

Тутчиликда селекция ва генетика ишларини ташкил этиш. Интенсив тутзорлар ташкил этиш ва парваришилаш, ундан фойдаланиш усуллари. Тутзорларни парвариш қилиш ва тақорорий қурт боқиши учун баргдан

фойдаланиш усуллари. Мамлакатимиз тут генофондини ўрганиш ва фойдаланиш. Янги тут навларини яратиш жараёни. Тутнинг хўжалик белгиларини аниқлаш услубиёти. Оналик тутзорларда етиштирилган тут уруғларини экиш ва агротехник ишлов бериш. Тут ниҳоллари ва тут кўччатларини экиш, парваришилаш ва улардан фойдаланиш. Мавжуд тутзорлар ва якка тартибдаги тутлардан фойдаланиш. Такрорий қурт боқиши учун тут навларини танлаш ва уларнинг баргларидан фойдаланиш. Ипакчилик илмий тадқиқот институтида мавжуд тутнинг ноёб жаҳон коллекцияси. Оналик тутзорлардан тут уруғлари тайёрлашнинг инновацион усуллари.

3.2. Тут ипак қурти парваришилашда инновацион технологиялар.

Тут ипак қурти зоологик систематикаси, ривожланиш даврлари ва морфологик тузилишига кўра органларнинг фаолияти. Тут ипак қуртини ички тана бўшлиғидаги органлари ва организмда кечадиган физиологик жараёнлар. Махсус қуртхоналар, мавсумий қурт боқиши учун қуртхоналарни тайёрлаш ва дезинфекция қилиш. Қуртхона микроиқлими. Қурт боқишини механизациялаш. Тут ипак қуртини ёшлари бўйича боқишининг инновацион усуллари. Пилла ўраш даврида ипак қуртларини парваришилаш, даста тайёрлаш ва қўйиш технологияси. Етилган пиллаларни териш ва тозалашда янги дастгоҳлардан фойдаланиш. Кичик ёшдаги ипак қуртларини боқиши ва сийраклаштириш технологияси. Катта ёшдаги ипак қуртларини парваришилаш ва ғаналаш усуллари. Тут ипак қуртини турли гуруҳдаги зот ва дурагайларини биологик таснифи, морфологик-анатомик тузилиши ва танасида кечадиган физиологик жараёни.

3.3. Тут ипак қурти уруғи тайёрлашнинг инновацион усуллари.

Тут ипак қурти дурагай уруғларини мавсумий тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари. Оддий ва мураккаб дурагайларни тайёрлашни замонавий технологиялари ва истиқболлари. Ривожланган мамлакатларда ипак қурти уруғларини тайёрлаш, наслли қуртларни боқиши хусусиятлари ва инновацион технологиялари. Наслли пиллаларни саралаш, жинсларга ажратиш ва капалакларни белгиланган муддатларда чатишириш усулларини ипак қурти уруғларининг сифатига таъсири. Тут ипак қурти уруғларини тайёрлашда янги зот ва дурагайларни аҳамияти. Наслчилик станцияларида суперэлита ва элита уруғларини тайёрлаш технологияси. Наслчилик хўжаликларида наслли зот уруғларини жонлантириш. Наслчилик хўжаликларида наслли қуртларни боқиши агротехникаси ва инновацион усуллари. Уруғчилик корхоналарида иш фаолиятини технологик режалаштириш ва календарь графигини тузиш. Мавсумий уруғ тайёрлаш жараёни ва технологиясини ўтказишда тармоқ календарь режасидан фойдаланиш. Мавсумий қурт боқиши учун мўлжалланган маҳаллий ва хорижий ипак қурти уруғларини тайёрлаш технологиясини таҳлил қилиш. Янги яратилган ва истиқболдаги зот ва дурагайларни яратишда амалга оширилган селекция ишлари.

IV. МАЛАКАВИЙ АТТЕСТАЦИЯ

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган

күрсаткичлари), курсни тамомлагандан кейинги онлайн тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битириув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича

кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Мустақил малака ошириш қуидаги шаклларни ўз ичига олади: очиқ ўқув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъдодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва таҳлил қиласидилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар гурӯҳи учун 1 та очиқ дарс ўтказади. Очиқ дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хулосалари кафедранинг йиғилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Шунингдек, мустақил малака ошириш жараёнида тингловчи қўйидаги билим ва қўникмаларини ривожлантириши лозим:

– олий таълим тўғрисидаги норматив-хукуқий ва директив хужжатларни, олий таълим давлат таълим стандарти, классификатор, малака талаблари, шунингдек, ўқитилаётган фан бўйича ўқув дастурини такомиллаштириш;

– таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни ташкил этиш, кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш;

- бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методларни қўллаш, шунингдек, ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш, ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш, ўқув фанлари мазмуни ва уларни ўқитишдаги изчиллик асослари асосида ташкил этиш, ўқув машғулотларининг ҳар хил турларини (маъruzалар, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, курс ишлари лойиҳалари, малака бўйича амалий машғулотлар) ташкиллаштириш;
- талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш, таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти; талабаларнинг билим ва қўникмаларини назорат қилишни ташкил этиш ва илмий-методик таъминлаш; иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методларини билиш ва амалда қўллаш;
- олий таълимда менежмент ва маркетинг асосларини билиш ва амалий фаолиятга татбиқ этиш.
- мустақил таълим олиш йўли билан ўз билимларини такомиллаштириш.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбалардан фойдаланилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-хукуқий хужжатлар

6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 2020 йил 23 сентябрь.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги «Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5199-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5729-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигига ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5742-сон Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида” ги ПФ-5789-сонли Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил

8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартағи «Ўзбекипаксаноат уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2856-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 мартағи «Пиллачилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-3616-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 январдаги «Республикада ипакчилик саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3472-сонли Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 августдаги «Республикада пиллачилик тармоғидаги мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3910-сонли Қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 декабрдаги «Республикада пиллачилик тармоғини жадал ривожлантиришни қўллаб-қуватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-4047-сонли қарори.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги, “Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4767-сонли Қарори.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги «Пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-4411-сонли Қарори.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 январдаги “Пиллачилик тармоғида ипак курти озуқа базасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4567-сонли Қарори.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 августдаги “Тошкент давлат аграр университетининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4421-сонли Қарори.

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

27. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.

<http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>

28. Ахмедов Н. – Ипак қурти экологияси ва боқиши агротехникаси. – Т.: “Чўлпон” нашриёти. 2015 йил. – 366 б.
29. Ахмедов Н., Муродов С. – «Тут ипак қурти биологияси», -Т.: 1995. Ўқув қўлланма, – 117 б.
30. Ахмедов Н., Наврӯзов С. Ипак қурти уруғчилиги. – Т.: “Ворис” нашриёти. 2015 йил. – 198 б.
31. Ахмедов Н., Якубов А.Б., Данияров У.Т. Ипак қурти селекцияси. – Т.: “Чўлпон” нашриёти. 2015 йил. – 140 б.
32. Беккамов Ч.И. Мирзаева Ё.Я. Раҳмонова Ҳ.Э.«Тут ипак қурти биологияси», – Т.: 2017. Ўқув қўлланма, – 156 б
33. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
34. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммадова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. – 312 б.
35. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Т.: “Lesson press”, 2020. – 112 б.
36. Игнатова Н. Ю. Образование в цифровую эпоху: монография. М-во образования и науки РФ.— Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf
37. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. – 60 б.
38. М.Хиббимов, Н.Ахмедов. “Тутчилик”. Ўқув қўлланма. – Т.: 2012.
39. Мирзаева. Ё.Я. -«Тут ипак қурти биологияси», – Т.: 2017. Навруз нашриёти. Дарслик .262 бет. ISBN 978-9943-384-46-9.
40. Мирзаходжаев А., Мирзаходжаев Б.А. Тут ипак қуртининг механизациялаштирилган уруғчилик технологияси. – Т.: 2016.
41. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
42. Насириллаев Б.У. Генетические основы отбора по морфологическим признакам, тесно коррелирующим с технологическими свойствами коконов тутового шелкопряда Bombyx mori L. – Т.: 2016.
43. Насириллаев Б.У., Умаров Ш.Р., Жуманиёзов М.Ш., Худжаматов С. Тут ипак қурти наслчилик ишининг асосий услубий қоидалари. – Т.: 2020.
44. Насириллаев У.Н., Насириллаев Б.У. Тут ипак қурти генетикаси ва селекцияси. – Т.: 2019.
45. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3._UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf
46. У.Абдуллаев “Тутчилик”. Дарслик. – Т.: “Ўқитувчи”. 1997.
47. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020. – 120 б.

48. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
49. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, - 204.
50. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. - 183.
51. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. - 191.
52. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. - 175.
53. Mohammed Shamsuddin – Silkworm Physiology. A Concise Textbook. Daya Publishing House. Delhi - 110035, 2009. - P 208.
54. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan. 2010.
55. Ya.Tazima “Silkworm” 2014 (textbook), – 236 б.

IV. Интернет сайллари:

56. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.
57. <http://agro.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги.
58. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
59. <http://bimm.uz> – Бош илмий-методик марказ.
60. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET.
61. <https://tdau.uz> – Тошкент давлат аграр университети.
62. <https://agrobusiness.uz> – Ўзбекистон агробизнес асоциацияси.
63. www.ISO.com
64. <https://agro-olam.uz>
65. www.sheki-ipek.com.az
66. <https://www.baksa-silk.org/en/sericulturessilk>
67. www.uznature.uz

“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини оширишни ташкил этиш
Бош илмий-методик маркази
Директор _____ Т.Т.Шоймарданов
“_____” 2020 й.
М.Ў.

“КЕЛИШИЛГАН”:

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини
oshiриши ташкил этиш ҳамда
мувофиқлаштириш бошқармаси
Бошқарма бошлиғи _____ Ф.Т.Эсанбобоев
“_____” 2020 й.
М.Ў.

Тошкент давлат аграр университети
Ректор _____ Б.А.Сулаймонов
“_____” 2020 й.
М.Ў.

Кишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўкув юртлари
ва малака ошириш бўлими
Бўлим бошлиғи _____ Ш.Жоникулов
“_____” 2020 й.
М.Ў

Тошкент давлат аграр университети
хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш
ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ
маркази
Директор _____ А.В.Маматқулов
“_____” 2020 й.

М.Ў.

